

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОРИПОВ ОТАБЕК ОРИПОВИЧ

**ТУТ ИПАК ҚУРТИ (*BOMBYX MORI L.*) НИНГ ХОРИЖ ЗОТ ВА
ДУРАГАЙЛАРИНИ ОПТИМАЛ ПАРВАРИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АСОСЛАШ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Орипов Отабек Орипович

Тут ипак курти (*Bombyx mori* L.)нинг хориж зот ва дурагайларини оптимал парваришлаш технологиясини асослаш 3

Орипов Отабек Орипович

Обоснование технологии оптимальной выкормки зарубежных пород и гибридов тутового шелкопряда (*Bombyx mori* L.) 21

Oripov Otabek Oripovich

Substantiation of technology for optimal rearing of foreign breeds and hybrids of silkworm (*Bombyx mori* L.) 41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОРИПОВ ОТАБЕК ОРИПОВИЧ

**ТУТ ИПАК ҚУРТИ (*BOMBYX MORI L.*) НИНГ ХОРИЖ ЗОТ ВА
ДУРАГАЙЛАРИНИ ОПТИМАЛ ПАРВАРИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АСОСЛАШ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Олий аттестация комиссиясида
B2019.I.PhD/Qx116 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетинда bajarилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб
сахифасида (www.ziyounet.uz) ҳамда «Ziyounet» Аxbорот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:

Умаров Шавкат Рамазанович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Исматуллаева Дилорам Адилевна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий
ходим

Абдиримова Гулбадор Эрмиратовна
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Ётакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-
тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университетини ҳузуридagi фалсафа доктори
(PhD) илмий даражалар берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2020
«___» декабрь соат даги мажлисида бўлиб ўтган. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет
кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент
давлат аграр университети мшмурой бинноси, 1-қavat, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Аxbорот-ресурс марказида
ташишни мумкин. (№ 542120 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент,
Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ бинноси, 1-қavat. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «5» декабрдаги 3 - рақамли роестр баённомаси).



Б.У. Насирллаев
Б.У.Насирллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
к.х.ф.д., профессор

У.Т. Дашпироев
У.Т.Дашпироев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
к.х.ф.д., доцент

М.И. Аширов
М.И.Аширов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон бозорида пилла, табиий ипак ва ипак матоларига бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда, «...ипакчилик ривожланган 20 дан ортиқ давлатларда тут ипак қурти тухумлари тайёрланмоқда, ишлаб чиқарилаётган ипак қурти тухумларининг 14,5 млн. қутиси Хитой Халқ Республикаси, 5,0 млн. қутиси Ҳиндистон, 300 минг қутиси Ўзбекистон ва қолган 3,2 млн. қутиси бошқа давлатлар улушига тўғри келади»¹. Ўзбекистон дунёда учинчи пилла етиштирувчи йирик мамлакат ҳисобланиб, бир қути ипак қурти уруғидан ўртача 59,0 кг пилла ҳосили олишга эришмоқда. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви айти пайтда ипак қурти етиштириш учун қулай экологик ҳудуд ҳисобланиб, ҳар йили 380-400 минг қутидан зиёд ипак қурти парваришланиб келинмоқда.

Дунё миқёсида тут ипак қуртининг турли минтақалар иқлим шароитига мос бўлган зот ва дурагайларини яратиш ҳамда ипак қурти уруғчилигида янги инновацион агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада дунё глобал иқлим ўзгаришини инобатга олиб, тут ипак қуртининг кескин ўзгарувчан ва оптимал иқлим шароитларига мос зот ва дурагайларини яратиш, уларни парваришлашнинг оптимал интенсив янги технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда хориж зот ва дурагайларини интродукция қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизнинг ўзига хос иқлим шароитларига мос маҳаллий зот ва дурагайлар яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Аммо, хориждан олиб келтирилган тут ипак қурти зотларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш, пилла ҳосилдорлиги, навдорлиги ва технологик хусусиятлари бўйича ўз имкониятларини оширишга йўналтирилган оптимал парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва илмий асослашга етарлича эътибор қаратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”² ПФ-4947-сон фармони, ҳамда 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли ва 2018 йил 20 мартдаги “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3616-сонли қарорларида ипак қурти селекцияси ютуқларини кенг синовдан ўтказиш, тут ипак қурти зот ва дурагайларининг бирламчи уруғчилигини ривожлантириш, ҳудудлар табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологияларни ишлаб чиқиш орқали, халқаро стандартларга мос зот ва дурагайларни яратиш, маҳаллий ипак қуртлари ва пилла ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг сифатини

¹ www.worldatlas.com.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

яхшилаш йўли билан ипакчилик саноати экспорт имкониятларини кенгайтириш белгилаб берилган. Мазкур йўналишдаги барча меъёрий - ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўраганилганлик даражаси: Мамлакатимизда тут ипак қуртининг муҳим белги ва хусусиятларига ташқи муҳит таъсирини баҳолаш, озуқа миқдори, сифати, ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигини ипак қурти ўсиш ва ривожланишига таъсири ҳамда турли зот ва дурагайларнинг ҳар хил шарт-шароитларда ирсий имкониятларини намоён бўлишини тадқиқ этиш борасида У.Н.Насириллаев, Н.А.Ахмедов, Ш.Р.Умаров, С.С.Леженко ва Б.У.Насириллаевлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Шунингдек, пиллачилиги ривожланган илғор мамлакатлар олимларидан А.З.Злотин, В.Н.Кириченко, О.Ж.Журовль, М.Е.Браславский, N.A.Begum, M.Rekha, N.Baramidzelар томонидан тут ипак қуртининг эмбрионал ривожланиш даврида ноқулай шароитларга чидамлилиги, мосланувчанлигини тадқиқ этиш, вольтинизмдан фойдаланган ҳолда янги зотлар яратиш ҳамда биологик фаол моддалардан фойдаланиш орқали ноқулай шароитларнинг зарарли таъсирини компенсация қилишга оид илмий-тадқиқотлар олиб бориб ижобий натижаларга эришилган.

Мамлакатимизга хориждан олиб келинаётган тут ипак қурти зотларини Республикамиз шароитига мослаштириш, сифатли насли пилла етиштириш, юқори сифатли ипак қурти тухумини тайёрлаш, ҳамда пилла маҳсулдорлиги ва технологик хусусиятларини оширишга қаратилган муайян парваришlash агротехнологияларини яратиш борасидаги илмий изланишларга етарлича эътибор берилмаган. Ушбу муаммоларга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-10-140 рақамли “Ипак қурти тухумини баҳорги инкубация даврида эмбрион ривожланишини вақтинча тўхтатиш муддатларини пилла ҳосилдорлиги ҳамда сифатига таъсири услуби ва технологиясини яратиш” мавзусидаги (2009-2011 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хориждан келтирилаётган тут ипак қуртларини Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан табиий иқлим-шароитига ҳамда озуқасига мослаштириш асосида ипак қурти тухумлари тайёрлаш, пилланинг маҳсулдорлик ва технологик хусусиятларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хориж ипак қурти тухумларини жонланиш фоизини аниқлаш;
қурт боқиш жараёнида личинкаларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
парваришланаётган ипак қуртини кичик ва катта ёшлари давомийлигини аниқлаш;

ипак қурти личинкаларининг қуртлик давридаги ҳаётчанлигини аниқлаш;

ипак қуртларига сарфланадиган озуқа миқдорини аниқлаш;

тирик пилла оғирлиги ва ипакчанлигини аниқлаш;

урғочи (♀) капалақдан олинган тухумлар сонини аниқлаш;

асосий технологик кўрсаткичларни аниқлаш;

тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган *Bombyx mori* L. турига мансуб тут ипак қуртини "Хитой" ва "Япония" зотлари ҳамда "Jingsong x Naoyue" ва "Naoyue x Jingsong" дурагайлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Хориждан келтирилиб, Ўзбекистон шароитига мослаштирилаётган тут ипак қурти зот ва дурагайларини парваришlashда қуртхона ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги, озуқа миқдорини ипак қурти биологик, пилла маҳсулдорлик ва технологик хусусиятларига таъсири ҳамда қурт боқишнинг самарали агротехнологиясини асослаш орқали хориждан келтирилган уруғларни парваришlashнинг самарали илмий ечимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда морфологик, биологик, технологик, ишлаб чиқариш ва статистик таҳлил усулларида ҳамда "Тут ипак қурти наслчилик ишининг асосий услубий қоидалари" ва "Тут ипак қуртини оқ пиллалари зотларини парваришlash агротехникаси" услубий қоидаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хориж ипак қурти зот ва дурагайлариининг тухумларидан эмбрион жонланишининг оптимал гигротермик меъёрлари аниқланган;

интродукция қилинган зотларни меъёридаги ҳарорат ва нисбий намликда парваришlash орқали, ипак қуртини ҳаётчанлигини ошириш мумкинлиги исботланган;

хориждан келтирилган ипак қуртларининг биологик ва ҳўжалик белгиларига ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик таъсири чегаралари аниқланган;

илк бор хориждан келтирилган ипак қурти зотларини Ўзбекистон агроиқлим шароитига мослаштириш, уларни генетик потенциалини намоён этиш агротехнологияси ишлаб чиқилган;

хориж зот ва дурагайлари қуртларини дастага чиқиши ва пилла ўраш жараёнига гигротермик омиллар таъсири аниқланган;

хориж зот ва дурагайлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида "Хориждан келтирилган ипак қурти зот ва дурагайлариини Ўзбекистон шароитида парваришlash агротехнологиялари" номли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республикамиз иқлим шароитида хориждан келтирилган ипак қурти зот ва дурагайларини парвариш қилиш, юқори пилла ҳосили олишни таъминлашга йўналтирилган “Хориждан келтирилган ипак қурти зот ва дурагайларини Ўзбекистон шароитида парваришlash агротехнологиялари” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

хориж тут ипак қурти зотларининг насли пиллалар улуши ва урғочи капалаклардан уруғ чиқиш миқдорини оширишга эришилган;

хориждан келтирилган саноатбоп тут ипак қурти дурагайларини парваришlash натижасида улар ўраган пилласидан хом ипак чиқиш миқдорини кўпайтириш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ипак қурти уруғчилиги корхоналари, қурт боқувчи фермер хўжаликлар ҳамда пилла йигирув фабрикаларида доимий қўлланиладиган услублар асосида олиб борилганлиги, Тошкент давлат аграр университети ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази илмий амалий лойиҳаларини бажариш давомида ҳар йили апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилганлиги, олинган натижалар статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, илмий натижаларни етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган илмий натижаларни давлат амалий лойиҳаси доирасида бажарилганлиги диссертация тадқиқоти амалий натижаларининг ваколатли давлат тузилмалари томонидан далолатномалар асосида тасдиқланганлиги ҳамда уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда хориж зотларини биологик (уруғни жонланиши, қуртнинг ҳаётчанлиги, қуртлик даври, пўст ташлаши, пилла ўраши ва ҳоказо), пилланинг маҳсулдорлик (пилла ҳосилдорлиги ва сифати, ипакчанлик хусусиятлари) ва технологик (хом-ипак чиқиш миқдори, пилланинг йигирилиши ва метрик номери) ҳамда капалакларнинг пуштдорлик (кўп тухум ташлаши) хусусиятларининг ўзгариши, ташқи муҳит, озуқа ва боқиш шарт-шароитлари билан ўзаро боғлиқлиги илмий асосда исботланиб, назарий жиҳатдан маълумотлар олинганлиги ва умумлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бажарилган илмий тадқиқот иши натижасида “Хориждан келтирилган ипак қурти зот ва дурагайларини Ўзбекистон шароитида парваришlash агротехнологиялари” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиянома ипакчилик мутахассислари тайёрлайдиган олий ўқув юртлари ва ипакчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, пиллачилик агрономлари, инкубистлар, ипак қурти уруғини тайёрлайдиган корхоналар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда пиллачилик соҳасида ишлайдиган барча мутахассислар учун хориждан келтириладиган тут ипак қурти зотларидан

уруғ тайёрлаш ва дурагай ипак куртларини боқиш, сифатли пилла хомашёси етиштиришга ҳамда пилла миқдорини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак курти (*Bombyx mori* L.) нинг хориж зот ва дурагайларини оптимал парваришлаш технологиясини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Республика уруғчилик корхоналарида хориждан келтирилган зотлардан тайёрланадиган дурагай уруғлар ҳамда фермер хўжаликларида парваришланадиган ипак куртларининг пилла сифатини яхшилашга оид «Хориждан келтирилган ипак курти зот ва дурагайларини Ўзбекистон шароитида парваришлаш агротехнологиялари» номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 02/028-1748-сон маълумотномаси). Натижада 25 қути парваришланган насли хорижий ипак куртининг ҳар бир қутисидан 4,8 граммдан кўшимча уруғ тайёрланиб, бир қутисидан олинган иқтисодий самарадорлик 55404,0 сўмни, соф фойда эса 21554,0 сўмни ташкил этиб, рентабеллик ўртасидаги фарқ 12,7 % га кўтарилган;

Хитойдан келтирилган “Япония” тут ипак курти зотини Навоий вилояти Кармана туманидаги “Ипак курти уруғчилиги” МЧЖда 21 қути парваришланган насли хорижий ипак куртининг бир қутисидан 5,1 грамм кўшимча ипак курти уруғлари тайёрланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 02/028-1748-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодий самарадорлик 55606,8 сўмни, соф фойда эса 22952,3 сўмни ташкил этиб, рентабеллик фарқи 14,1 % га кўтарилган;

Хитой Халқ Республикасидан келтирилган тут ипак куртининг “Jigsong х Наоуе” саноатбоп дурагай уруғларининг 21 қутиси Фарғона вилоятининг “NURLI TONG SILK” МЧЖ корхонасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 июндаги 02/028-1748-сон маълумотномаси). Натижада жорий қилинган дурагайнинг бир қутисидан 0,89 кг кўшимча хом-ипак олинди, парваришланган 21 қути хориж дурагайидан 18,7 кг хом-ипак олинган ва иқтисодий самарадорлик 6025656 сўмни ташкил этиб, рентабеллик ўртасидаги фарқ 27,6 % га кўтарилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, адабиётлар шарҳи келтирилган, тадқиқотларнинг материал ва услублари ёритилган, шунингдек тадқиқотларнинг объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, нашр этиш ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тут ипак қурти маҳсулдорлигини яхшилашнинг илмий асослари**» деб номланган биринчи бобида ипак қурти тухумларини инкубацияда сифатли жонлантириш юқори ҳосил гарови, ипак қуртини ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири, тут баргини ипак қурти ўсиш ва ривожланишидаги аҳамияти ва пилла сифати ва ҳосилдорлигини белгилашда зот ва дурагайларнинг роли каби маълумотлар мамлакатимиз ва хориж тадқиқотчиларининг илмий изланишлари асосида таҳлил қилинган. Мавзуга доир кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти сифатида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган Хитой ва Япония ипак қурти зотлари ҳамда “Jingsong x Naoyue” ва “Naoyue x Jingsong” ипак қурти дурагайлари танлаб олинган.

Хитойдан келтирилган иккита сермахсул “Хитой” ва “Япония” тут ипак қурти зотлари устида тажриба синов ишларини Тошкент давлат аграр университетининг «Ипакчилик ва тутчилик» кафедраси лабораторияси ва Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги “Ипак қурти уруғчилиги” МЧЖда ҳамда Навоий вилояти Кармана туманидаги “Ипак қурти уруғчилиги” МЧЖда олиб борилиб, хориждан келтирилган тут ипак қурти зотларини оптимал парваришlash технологиялари ўрганилган.

Хитой Халқ Республикасидан келтирилган иккита “Jingsong x Naoyue” ва “Naoyue x Jingsong” тут ипак қурти дурагайлари устида тажриба синов ишларини Тошкент давлат аграр университетининг «Ипакчилик ва тутчилик» кафедраси лабораторияси, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги “NURLI TONG SILK” МЧЖ да олиб борилиб, хориждан келтирилган тут ипак қурти дурагайларини Республика шароитида оптимал парваришlash технологиялари аниқланди.

Диссертациянинг «**Хориж тут ипак қурти зотларининг биологик ва технологик кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган тут ипак қурти зотларини жонланиши, Ўзбекистон иқлим шароитини Хитой ипак қурти зотларининг биологик кўрсаткичларига таъсири, хориж зотлари насли пиллаларидан капалаклар чиқиши, жуфтлашиши, пуштдорлиги ва сермахсул тут ипак қурти зотлари пиллаларининг технологик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларнинг натижалари келтирилган

Жонлантириладиган ипак курти зотларининг тухумлари вариантлар буйича 200 донадан инкубация қилганда, “Хитой” зоти ўртача 10 кунда жонланганлигини 1-жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Хитойдан келтирилган “Хитой” ипак курти зотини уруғларининг жонланиш кўрсаткичлари (2013-2015 йй.)

Вариантлар	Уруғлар миқдори (дона)	Инкубация даври (кун)	Хабарчи куртларнинг миқдори		Хар кунлик курт чиқиш миқдори								Жонланмаган куртлар сони		Жами жонланган куртлар	
					биринчи		иккинчи		учинчи		тўртинчи					
					дона	%	дона	%	дона	%	дона	%				
1-В	200	10,5	4	2,0	87	43,5	74	37,0	20	10,0	8	4,0	7	3,5	193	96,5±0,42
2- В	200	10	5	2,5	95	47,5	73	36,5	17	8,5	4	2,0	6	3,0	194	97,0±0,38
3- В	200	10	2	1,0	89	44,5	79	39,5	19	9,5	6	3,0	5	2,5	195	97,5±0,31
4- В	200	10,5	4	2,0	87	43,5	75	37,5	19	9,5	7	3,5	8	4,0	193	96,5±0,52
5- В	200	10	4	2,0	96	48,0	69	34,5	20	10,0	5	2,5	6	3,0	194	97,0±0,46
6-Қ “Асака” зоти	200	11	9	4,5	49	24,5	53	26,5	42	21,0	30	15,0	17	8,5	183	91,5±0,29

Жонлантириладиган ипак курти зотларининг тухумлари вариантлар буйича 200 донадан инкубация қилганда, “Япония” зоти ўртача 11 кунда жонланганлигини 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Хитойдан келтирилган “Япония” ипак курти зотини уруғларининг жонланиш кўрсаткичлари (2013-2015 йй.)

Вариантлар	Уруғлар миқдори	Инкубация даври.(кун)	Хабарчи куртларнинг миқдори		Хар кунлик курт чиқиш миқдори								Жонланмаган куртлар сони		Жами жонланган куртлар	
					биринчи		иккинчи		учинчи		тўртинчи					
					дона	%	дона	%	дона	%	дона	%				
1-В	200	11	3	1,5	84	42,0	91	45,5	16	8,0	3	1,5	3	1,5	197	98,5±0,32
2- В	200	10,5	1	0,5	78	39,0	106	53,0	12	6,0	1	0,5	2	1,0	198	99,0±0,29
3- В	200	11	2	1,0	91	45,5	79	39,5	21	10,5	5	2,5	2	1,0	198	99,0±0,38
4- В	200	11	2	1,0	80	40,0	103	51,5	10	5,0	2	1,0	3	1,5	197	98,5±0,37
5- В	200	11	3	1,5	76	38,0	89	44,5	23	11,5	5	2,5	4	2,0	196	98,0±0,30
6-Қ “Мар- хамат”	200	11	7	3,5	59	29,5	63	31,5	39	19,5	20	10,0	12	6,0	187	94,0±0,32

Тадқиқотларда ўрганаётган зотлар Хитой Халқ Республикасининг сермахсул ипак қурти зотлари бўлиб, улар шу давлатнинг асосий боқилаётган ипак қурти ҳисобланади.

Юқори маҳсулдорликка эга бўлган ипак қурти зотларини жонлантириб кичик ва катта ёшларда парваришланди ҳамда қуйидагича натижаларга эришилди (3-жадвал).


3-жадвал

Хитойдан келтирилган “Хитой” ипак қурти зотининг биологик кўрсаткичлари (2013-2015 йй.)

Вариантлар	Қуртлик даври, сутка	Қуртни ҳаётчанлиги, % $\bar{X} \pm S\bar{X}$	Пилла оғирлиги, г. $\bar{X} \pm S\bar{X}$	Пилла қобиғи оғирлиги, г. $\bar{X} \pm S\bar{X}$	Навли пилла, %	Ипакчанлик $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %
1-вариант	24,0	98,0±0,40 Pd=0,994	1,9±0,003 Pd=0,979	0,485±5,32 Pd=0,991	93,0	25,5±0,04
2-вариант	24,0	97,0±0,35 Pd=0,996	1,7±0,002 Pd=0,985	0,465±6,14 Pd=0,982	90,0	27,3±0,06
3-вариант	24,0	95,0±0,32 Pd=0,960	1,8±0,004 Pd=0,955	0,480±6,31 Pd=0,994	92,0	26,6±0,07
4-вариант	24,5	97,0±0,35 Pd=0,987	1,8±0,001 Pd=0,974	0,480±5,84 Pd=0,991	90,5	26,6±0,06
5-вариант	24,5	92,0±0,41 Pd=0,958	1,9±0,004 Pd=0,995	0,495±6,45 Pd=0,953	88,6	26,0±0,04
Қиёсловчи “Асака” зоти	25,0	91,0±0,26	1,8±0,001	0,420±7,22	86,2	23,3±0,07

Бу зотлар ўзининг қуртлик даври қисқалиги, ҳаётчанлиги юқорилиги, пиллаларининг оғирлиги ва сифати юқорилиги билан биологик кўрсаткичлари устунлигини исботлади.

Фикримиз тасдиғи учун 3-жадвалда келтирилган маълумотларга эътибор қаратамиз. Бунда вариантлар бўйича ипак қуртини боқиб парвариш қилинганда “Хитой” зотини қуртлик даври қиёсловчиникига нисбатан 2 кунга қисқарган, қуртларнинг ҳаётчанлиги (1-расм) ҳам қиёсловчига қараганда 6-7 % юқорилигини кўришимиз мумкин.



1-расм. “Хитой” ипак қурти зотининг ҳаётчанлиги (%)

Тирик пиллаларнинг оғирлиги 1,0-1,5 баробар қиёсловчига караганда оғирроқлигини кузатишимиз мумкин.

Пилла қобиғининг оғирлиги 0,65-0,75 граммгача бўлганлиги ва навли пиллалар миқдори 88,6-99,0 % гача, ипакчанлик 26,0-27,3% га етганлигини жадвалдан кўриш мумкин. Бу ҳолатни “Япон” зотида ҳам кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Хитойдан келтирилган “Япония” ипак қурти зотининг биологик кўрсаткичлари (2013-2015 йй.)

Вариантлар	Қуртлик даври, сутка	Қуртни ҳаётчанлиги, %, $\bar{X} \pm S\bar{X}$	Пилла оғирлиги, г $\bar{X} \pm S\bar{X}$	Пилла қобиғи оғирлиги, г $\bar{X} \pm S\bar{X}$	Навли пилла, %	Ипакчанлик, %
1-вариант	25,0	98,0±0,40 Pd=0,995	1,8±0,02 Pd=0,994	0,485±0,004 Pd=0,975	90,0	26,9±0,07
2-вариант	25,0	97,0±0,20 Pd=0,985	1,9±0,03 Pd=0,995	0,510±0,004 Pd=0,988	95,0	26,8±0,04
3-вариант	25,0	92,0±0,40 Pd=0,999	1,9±0,01 Pd=0,990	0,525±0,002 Pd=0,995	90,0	27,6±0,03
4-вариант	25,0	88,0±0,30 Pd=0,996	1,8±0,03 Pd=0,996	0,485±0,003 Pd=0,996	88,5	26,9±0,06
5-вариант	25,0	85,0±0,25 Pd=0,997	1,9±0,04 Pd=0,998	0,510±0,007 Pd=0,990	86,0	26,8±0,08
Қиёсловчи “Мархамат” зоти	25,0	84,0±0,20	1,8±0,03	0,455±0,002	87,2	25,2±0,07

4-жадвалда келтирилган натижаларга асосан хориждан келтирилган тут ипак қурти зотлари 3-вариантда ҳам ўзларининг сермахсуллигини намоён этди. Буни боқилган ипак қуртларини биологик кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, яққол намоён бўлди.


Янги ипак қурти зотлари сермахсуллиги муҳим кўрсаткич бўлиб, бу ипакчанликда ҳам ўз ифодасини топди. Ушбу кўрсаткич тирик пиллаларда 26,8-27,6 % ни ташкил қилди. Пилла қобиғини оғирлиги 0,485-0,510 граммдан иборат бўлди (Pd=0,996).

“Хитой” ва “Япония” ипак қурти зотлари ўзларининг юқори ҳаётчанлиги 95,0% (Pd=0,995), 1 дона пилла массасини 1,8-1,9 граммни (Pd=0,998) ташкил қилиши билан 1 қутидан олинадиган пилла ҳосили 60-65 килограмм бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Хориж ипак қурти зотларининг капалаклари пилладан чиқиши бирмунча паст кўрсаткичга эга бўлди. Бунинг сабабини ушбу зотларнинг пилла қобиғини ниҳоятда қалинлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай қалин пилла қобиғини капалаклар тешиб чиқиши қийинроқ бўлади. Шунинг учун папильонажга қўйилган вақтида Хитойнинг уруғчилик корхоналарида ушбу салбий ҳолатни олдини олиш учун уруғли пиллалар 100% кесилади.

Бу зотлар билан ишлаш жараёнида капалакларнинг пилладан чиқиш даврида баъзи муаммолар, яъни капалакларнинг пилладан чиқмай қолиш ходисаси рўй берди. Пилладан капалакларни чиқмай қолиши “Хитой” зотида 7,0-15,0 % ни ($Pd=0,999$), “Япония” зотида 15,0-30,0 % ни ($Pd=0,996$) ташкил қилди.

Пиллалардан капалакларни тўлиқ чиқмай қолиш сабаблари ўрганилганда, урғочи капалаклар ишлаб чиқарган “Серициназа” ферментини пилла қобиғини эритишга миқдори етишмагани аниқланди. Натижада баъзи пиллалар қобиғи фақат “Серициназа” ферменти билан намланган, аммо кўпчилик пиллаларнинг қобиғи ҳатто намланмасдан қолган. Шу боис капалак пилла қобиғини тешиб ташқарига чиқаолмаган ва пилла ичкарасига оталанмаган тухумларини қўйишга мажбур бўлган.



2-расм. “Хитой” зотининг капалакларини пилладан чиқиши (%)

Диссертациянинг «**Республикада тайёрланаётган хорижий дурагайларнинг ота ва оналик зотлари ҳамда хорижда тайёрланган дурагайларни қиёсий таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида ҳозирги кунда Республикада боқилаётган ипак куртларининг 70-80% уруғи Хитой Халқ Республикасидан келтирилганлиги асосланган. Шунингдек, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва пиллачилик кластерларида махсус инкубаторияларнинг жуда камлиги сабабли тут ипак курти тухумларини хонадонларда турлича ҳарорат ва ҳаво намлигида жонлантирадилар. Шундан келиб чиқиб, тухумларни кескин фарқ қилувчи ҳароратда жонлантириш ва жонланган куртлар миқдорини аниқлаш мақсад қилиб қўйилди (5-жадвал).

**Турли хил ҳарорат ва намликда хориж ипак қурти уруғларини
жонланиши (2015-2018 йй.)**

Ипак қурти зот ва дурагайлари	Инкубация даври (кун)	Хабарчи қуртларнинг миқдори, (%)	Жонланган қуртлар миқдори, %				Жонланмаган қуртлар миқдори (%)	Тухумдан қуртларни жонланиб чиқиши (кун)	Жами жонланган қуртлар миқдори (%)	Pd
			1-куни	2-куни	3-куни	4-куни				
Ҳарорат 20-21 °С, намлик 60–65 %										
“Япония” зоти	14	4,0	20,5	30,5	20,5	14,0	10,5	5,5	89,5±0,15	0,999
“Хитой” зоти	13	4,5	23,0	28,5	22,0	13,0	9,0	5,0	91,0±0,20	0,807
“Jigsong x Наоуе”	13	2,5	33,5	34,5	16,0	6,5	7,0	4,5	93,0±0,14	-
“Наоуе x Jigsong”	13	2,5	31,0	36,0	15,0	7,5	8,0	5,0	92,0±0,19	0,644
Ипакчи-1 x Ипакчи-2	13	2,0	34,5	36,5	16,0	6,0	7,0	4,5	93,0±0,20	-
Ҳарорат 24-25 °С, намлик 75–80 %										
“Япония” зоти	11	1,5	44,0	43,0	7,0	-	4,5	2,5	95,5±0,21	0,999
“Хитой” зоти	10	1,5	48,5	40,0	6,0	-	4,0	2,5	96,0±0,22	0,998
“Jigsong x Наоуе”	10	0,5	54,0	41,0	1,5	0,5	2,5	2,5	97,5±0,19	0,999
“Наоуе x Jigsong”	10	0,5	52,0	41,0	2,5	1,0	3,0	2,5	97,0±0,18	0,996
Ипакчи-1 x Ипакчи-2	10	0,5	50,0	43,0	3,0	-	3,5	2,5	96,5±0,21	-
Ҳарорат 28-29 °С, намлик 70–75 %										
“Япония” зоти	9	5,5	48,5	25,5	1,0	-	19,5	2,0	80,5±0,16	0,661
“Хитой” зоти	8	5,0	50,5	24,0	1,5	-	19,0	2,0	81,0±0,15	0,655
“Jigsong x Наоуе”	8	4,5	62,0	14,0	2,0	-	17,5	2,0	82,5±0,18	0,660
“Наоуе x Jigsong”	8	3,0	62,0	16,0	1,0	-	18,0	2,0	82,5±0,17	0,651
Ипакчи-1 x Ипакчи-2	8	6,5	60,0	14,0	1,0	-	18,5	2,0	81,5±0,17	-

5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ипак қурти уруғларини меъеридан паст (20-21⁰С) ҳароратда жонлантирилганда инкубация даври барча вариантларда 13-14 кун давом эътиб, тухумлардан қурт чиқиши 4,5-5,5 кун давом этган. Одатда мўътадил ҳароратда инкубация 10 кун давом этиб, 3 кун давомида қурт чиқади. Шундан кўриниб турибдики, инкубация даврида ҳарорат 20-21⁰С да бўлганида эмбрион ривожланиши 3-4 кунга ва қурт жонланиб чиқиши 2 кунга ортикча чўзилишига сабабчи бўлар экан. Бу эса қурт боқишни чўзилиб кетиб, катта ёшдаги қуртларни иссиқ кунларга қолиб кетишига ва баргни қотиб, дағаллашиб қолишига ҳамда ҳосилдорликни камайиб кетишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда тухумдан хабарчи қуртлар чиқиши 2,0-4,5 % ни ташкил этиб, одатдагига (0,2-0,5 %) нисбатан 1,5-4,0 % кўп чиқиши, биринчи куни жонланган қуртлар миқдори мўътадил шароитда жонлантирилган уруғлардан қуртлар чиқишига қараганда 25-30 % га, иккинчи куни 6,0-13,0 % га камайиб, аксинча учинчи куни 13-17 % га, тўртинчи куни 6,0-13 % га кўп

чиқишига сабабчи бўлган. Жами жонланган қуртлар миқдори эса “Япония” зотида 89,5 % (Pd=0,999), “Хитой” зотида 91,0 % (Pd=0,807), Хитой дурагайлари ва назорат вариантыда 93,0 % ни ташкил этиб, мўътадил шароитдагига нисбатан 2,0-3,5 % кам жонланиши маълум бўлди. Инкубация жараёни мўътадил шароитда (24-25⁰С ҳарорат ва 75-80 % намликда) олиб борилганда, инкубация даври 10 кун давом этиб, хабарчи қуртлар 0,5-1,5 % га тенг бўлиб, тухумлардан қурт чиқиши 3 кун давом этган. Бунда 1-2 куни 87-93%, 3-куни 2,5-3,0 % қурт жонланган. Бу кўрсаткич Япон ва Хитой зотларида 6-7 % ни ташкил этган. Жами тухумлардан қурт чиқиши 95,5-97,5 % га тенг бўлиб, талаб даражасида бўлиши кузатилди.

Тухумларни меъеридан юқори (28-29⁰С) ҳароратда жонлантириш шуни кўрсатдики, инкубация даври 8-9 кун давом этиб, мўътадил шароитдагига нисбатан 1-2 кунга қисқариб, тухумлардан қурт чиқиши асосан 2 кунда тугалланиб, биринчи куни энг кўп (60-62 %) миқдорни ташкил этди. Аммо, жонланмай қолган уруғлар миқдори 17,5-19,5 % га, жами жонланган қуртлар миқдори 1,05-15,5 % га камайиб кетиши аниқланди.

Кескин фарқ қилувчи ҳарорат ва намлик ипак қуртининг нафақат инкубация давридаги ривожланишига, балки унинг қуртлик давридаги яшовчанлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатар экан. Масалан, қуртлар 20-21⁰С ҳарорат ва 60-65 % намликда боқилганда бешинчи ёш охирига келиб, пилла ўраш олдида яшовчанлик Хитойдан келтирилган дурагайларда 88,5 % ва маҳаллий дурагайда 90,0 % га тенг бўлиши кузатилди. Демак, паст ҳарорат ва намликда боқилган қуртларни яшовчанлиги деярли бир хил бўлиши маълум бўлди. Уларнинг қуртлик даврининг чўзилиши ҳам 29-31 кун давом этиб, маҳаллий қуртларнинг қуртлик даври 1-2 кунга қисқариши аниқланди.

Қуртхонадаги ҳарорат ва намлик меъериди (ҳарорат 25-27⁰С, намлик 75-80%) бўлганида қуртларнинг яшовчанлиги хориждан келтирилган тухумлардан жонланган қуртларда ўртача 92,0-94,0% ни ташкил этиб, маҳаллий дурагайларга қараганда (95,0 %) 1-3% га кам бўлиши, қуртлик даврининг чўзилиши назорат варианты билан тенг бўлиши кузатилди. Ипак қуртлари юқори ҳароратда (29-30⁰С) боқилганда уларнинг яшовчанлиги барча вариантларда ўртача 89,0-93,0 % ни ташкил этиб, қуртлик даври ўртача 23-24 кунга тенг бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Хориждан келтирилган ипак қуртларини турлича ҳарорат ва намликда боқишни пиллаларнинг биологик кўрсаткичларига таъсири**» номли бўлимида тут ипак қурти пойкилотерм ҳашарот бўлганлиги учун унинг ҳаёт фаолияти, қуртхонадаги ҳарорат ва ҳаво намлиги кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Ипак қурти организми ва муҳит омиллари орасидаги боғлиқлик қуртларни пилла ўрашга киришиши ва дастага чиқишида намоён бўлади. Ҳаво ҳарорати меъерда бўлиши ипак қуртининг 5-ёш охирида қуртларни фаол дастага кўтарилишини, ғана остида қолиб кетмаслигини таъминлайди. Бундан ташқари дастага кўтарилиш ва пилла ўрашнинг илк давларида қурт жуда катта энергия сарфлайди, мушаклари саккизлик ҳаракатини интенсив бажариши кўп жихатдан ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ бўлади. Бу тўғрида олиб борилган тажриба натижалари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Хориж ипак куртларини пилла ўраш даврида дастага кунлик чиқиш динамикаси (2015-2018 йй.)

Ипак курти зот ва дурагайлари	Пилла ўраш олтидан куртлар миқдори		Қуртларнинг кунлик дастага чиқиш миқдори, %				Пилла ўрамаган куртлар миқдори, %	Жами ўралган пиллалар миқдори, %		Pd	Пиллаларни етилиш даврийлиги, кун
			1-кун	2-кун	3-кун	4-кун		дона	%		
	дона	%	Харорат 20-21 °С, намлик 60-65 %								
“Япония” зоти	175	87,5	12,0	28,0	49,1	8,5	2,2	171	97,7±0,16	-	11,0
“Хитой” зоти	176	88,0	9,6	30,1	52,2	6,8	1,1	174	98,8±0,19	0,692	11,0
“Jigsaw x Naoyue”	177	88,5	13,5	37,2	40,6	6,7	1,7	174	98,3±0,13	0,530	10,0
“Naoyue x Jigsaw”	177	88,5	11,3	38,9	41,8	5,6	2,2	173	97,7±0,14	-	10,0
Ипакчи-1 x Ипакчи-2	180	90,0	13,8	39,4	40,5	3,8	2,2	176	97,7±0,16	-	10,0
Харорат 25-27 °С, намлик 75-80 %											
“Япония” зоти	184	92,0	11,4	43,4	39,6	3,8	1,6	181	98,3±0,13	0,999	9,0
“Хитой” зоти	186	93,0	9,6	47,3	38,1	3,2	1,6	183	98,3±0,18	0,996	9,0
“Jigsaw x Naoyue”	188	94,0	14,3	51,0	32,4	-	2,1	184	97,8±0,20	0,996	8,0
“Naoyue x Jigsaw”	187	93,5	12,3	58,2	26,7	1,0	1,6	183	97,8±0,19	0,997	8,0
Ипакчи-1 x Ипакчи-2	190	95,0	15,2	47,8	32,6	2,6	1,5	187	98,4±0,18	-	8,0
Харорат 29-30 °С, намлик 65-75 %											
“Япония” зоти	177	88,5	19,7	62,1	11,2	3,3	3,3	171	96,6±0,17	-	8,0
“Хитой” зоти	183	91,5	23,4	56,8	13,1	2,7	3,8	176	96,1±0,15	0,654	8,0
“Jigsaw x Naoyue”	184	92,0	21,7	69,0	6,0	-	3,2	178	96,7±0,16	0,540	7,0
“Naoyue x Jigsaw”	186	93,0	20,4	71,5	5,3	-	2,6	181	97,3±0,14	0,651	7,0
Ипакчи-1 x Ипакчи-2	179	89,5	19,0	72,0	5,5	-	3,3	173	96,6±0,16	-	7,0

6-жадвалда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, ҳарорат меъеридан паст (20-21⁰С) бўлганда, куртларни дастага чиқиши 4 кунгача чўзилди ва жами ўралган пиллалар миқдори 97,7-98,8 % га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар қуртхонадаги ҳарорат ва намлик меъериди (ҳарорат 25-27⁰С, намлик 65-75 %) бўлганида пилланинг асосий қисми 3 кунда ўралди ва пиллалар 8-9 кунда етилиб териб олишга тайёр бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Қуртхонадаги ҳарорат ва намлик меъеридан ортиқ (ҳарорат 29-30⁰С, намлик 65-75%) бўлганида эса пиллаларнинг асосий қисми икки кунда ўралиб, уларнинг етилиши 7-8 кунга тўғри келди. Демак, ҳарорат ва намлик меъериди бўлса, куртлар дастага 2-3 кунда чиқиб, асосий пиллани ўрайди ва унинг етилиши учун 8-9 кун сарфланади.

Қуртхонадаги ҳарорат ва намликни меъеридан паст ёки юқори бўлишлиги пиллаларнинг биологик кўрсаткичлари (тирик пилланинг оғирлиги, пилла қобиғининг вазни, пиллаларнинг ипакчанлиги) га салбий таъсир кўрсатар экан. Айниқса, бу таъсир хориж зот ва дурагайларида сезиларли равишда намоён бўлади.

Масалан, куртлар паст ҳароратда (20-21⁰С) да боқилиб, шу ҳароратда пилла ўраса, бир дона тирик пилланинг оғирлиги тажриба вариантларида 1,52-1,57 граммни ташкил этиб, назорат вариантыда бу кўрсаткич 1,70 граммга тенг бўлган. Бошқача айтганда, тажриба вариантларининг пилласини оғирлиги қиёсловчи вариантга нисбатан 10,9-11,2 % га енгилроқ бўлиши кузатилди. Тирик пиллалар қобиғининг вазни эса тажриба вариантларида 326-342 мг га тенг бўлиб, қиёсловчи вариантга (380 мг) нисбатан 11,1-11,7 % кам бўлиши, пилланинг ипакчанлиги эса 0,5-0,9 % га кам чиқиши аниқланди.

Хориж зот ва дурагайлари куртхонадаги ҳарорат ва намлик меъёрида (ҳарорат 25-27⁰С, намлик 75-80 %) бўлган шароитларда парваришланганда юқорида қайд этилган кўрсаткичлар талаб даражасида эканлигининг гувоҳи бўлди. Жумладан, бир дона пилланинг оғирлиги 1,80-2,05 г, қобиғининг вазни 400-473 мг ва ипакчанлик 22,5-23,0 % га тенг бўлиб, паст ҳароратда боқилган куртлар ўраган пиллаларнинг кўрсаткичидан (пилла оғирлиги 11,6-12,1 % га, қобиғининг вазни 12,2-12,4 % га ва ипакчанлик 1,0-2,1 % га) юқори бўлиши аниқланди.

Ипак куртлари иссиқсевар ҳашарот бўлсада, ҳароратни меъёридан ортик (29-30⁰С) бўлиши олинган пиллалар массасини меъёрида боқилган куртлар тирик пилласи оғирлигига қараганда 10,3-10,6 % га, пилла қобиғининг вазни 10,8-11,6 % га, ипакчанлиги 1,0-1,5 % га кам бўлиши тасдиқланди.

Ушбу тадқиқот натижалари хориж зот ва дурагайлари ўз потенциалини Ўзбекистонда ҳам тўлиқ намоён этиши учун биринчи навбатда оптимал гидро-термик режимни танлашни ҳамда озика миқдори ва озиклантириш технологиясини ушбу зотлар учун алоҳида ишлаб чиқишни тақазо этади.

Меъёридан паст (20-21⁰С) ҳароратда курт боқилиши нафақат унинг яшовчанлик ва куртлик даврига салбий таъсир кўрсатар экан, балки пилланинг наводорлик хусусиятларини ҳам пасайишига олиб келиши маълум бўлди. Жумладан, куртлар паст ҳароратда боқилганида уларнинг 82-88 % пилла ўрайди. Жами ўраган пиллалардан 64-67% навли, 24-27 % нуқсонли, 7-11% қора пачоқ пиллалар ташкил этган.

Ипак куртлари меъёридаги (25-27⁰С) ҳароратда боқилганда бу кўрсаткичлар анча юқори бўлишига гувоҳ бўлди. Масалан, жами ўраган пиллалар миқдори 91-94% га тенг бўлиб, шундан 82-86 % навли, 12-14 % навсиз ва 2-3 % қорапачоқ пиллалар ташкил этиши кузатилди. Бу эса паст ҳароратда боқилган куртлар ўраган пиллаларнинг умумий миқдоридан 6-10 % га, навли пиллалар миқдори 20-21 % кўп бўлиши ва аксинча навсиз пиллалар миқдори 12-14 % га, қорапачоқ пиллалар 6-7 % га кам бўлишини кўрсатди.

Ҳароратни меъёридан ортик (29-30⁰С) бўлиши хориж зот ва дурагайлари ва улар ўраган пиллаларнинг биологик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатганидек, пиллаларнинг наводорлик хусусиятларига ҳам ёмон таъсир кўрсатиши тасдиқланди. Жумладан, жами ўраган пиллалар миқдори ўртача 86-88% га тенг бўлиб, шундан 68-72 % навли, 18-22% навсиз ва 8-10% қорапачоқ пиллалар ташкил этиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги

Маҳаллий уруғчилик корхоналарида ХХР дан келтирилган “Хитой” ва “Япония” ипак қурти зотларининг уруғ тайёрлашдан ўртача бир кг насли пилла ҳисобида 2017 йил олинган фойда ва рентабеллик даражаси қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Оққўрғон ва Кармана туманларидаги “Ипак қурти уруғчилиги” МЧЖларидан олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2017 й.)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тут ипак қурти уруғи		Фарқи, + кўп; - кам
			маҳаллий (Асака) (Марҳамат)	хорижий (Хитой) (Япония)	
1.	1 кг насли пилладан тут ипак қурти уруғи тайёрлаш	гр	43,7-45,3	48,8-50,1	4,8-5,1
		кути	1,5	1,7	0,2
2.	1 қути насли тут ипак қурти уруғининг сотиш нархи (2017 йилда)	сўм	130 000,0	130 000,0	0,0
3.	1 кг насли пилладан тайёрланган тут ипак қурти уруғининг сотиш киймати	сўм	195 896,6- 203 069,0	218758,6- 224 586,2	21 517,2- 22 862,1
4.	1 кг насли пилладан тайёрланган тут ипак қурти уруғини сотишдан фойда	сўм	32 654,4- 33 850,0	55 403,7- 55 606,8	21 553,7- 22 952,3
5.	Рентабеллик (фойдадорлик)	%	20,0	32,7-34,1	14,1-12,7

Бундан ташқари Хитой Халқ Республикасидан келтирилган “Jinsong x Noayu” саноатбоп дурагай уруғларининг 21 қутиси Фарғона вилоятининг “NURLI TONG SILK” МЧЖ корхонасида жорий этилган. 2017 йилнинг баҳор мавсумида корхона фермер хўжаликларида жорий қилинган дурагай тут ипак қуртининг бир қути навли пилласидан қиёсловчига нисбатан қўшимча 0,89 килограмм хом-ипак ишлаб чиқарилиб, хом-ипакни сотишдан иқтисодий самарадорлик 322692,8 сўмни, рентабеллик ўртасидаги фарқ 27,6 % ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация мавзуси бўйича 2013-2018 йилларда олиб борилган кузатиш ва илмий-тадқиқот ишлари якунида хориждан келтирилган сермахсул ипак қурти зот ва дурагайларини Ўзбекистон шароитида боқишнинг пилла ҳосилдорлиги ва наводорлигига таъсири бўйича қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Хитой Халқ Республикасидан келтирилган “Хитой” ва “Япония” тут ипак қурти зотларининг ҳосилдорлиги, капалакларнинг пуштдорлиги, ҳамда қуруқ

пилланинг технологик кўрсаткичларини намоён бўлиши оптимал парваришlash технологиясига боғлиқлиги ўз исботини топди.

2. Хориждан келтирилган ипак курти уруғларини меъёри (25-27⁰С) дан паст (20-21⁰С) ва юқори (29-30⁰С) ҳароратларда жонлантирилганда тухумдаги эмбрион ривожланишини сусайиши, инкубация даврини 13-14 кунга чўзилиши, жонланиб чиққан куртлар миқдорини 10,0-15,0 % га камайиши аниқланди.

3. Хориждан келтирилган куртларни турли ҳарорат ва намликда боқилганда, личинкаларнинг яшовчанлиги меъёрдаги шароитда боқилганларга қараганда 5,0-6,0 % га пасайиб, куртлик даври 7-9 кунга чўзилиб кетишига олиб келиши исботланди.

4. Хитойдан элита зот сифатида келтирилган уруғлардан жонланиб чиққан куртларни ўзгарувчан ҳарорат ва намликда парваришlash пиллаларнинг биологик кўрсаткичларини пасайиб кетишига сабаб бўлади. Жумладан, тирик пиллаларнинг оғирлиги 10,0-12,0 % га, пилла қобиғининг вазни 11,6-12,4 % га, ипакчанлиги 1,0-2,1% га камайиши аниқланди.

5. Хориждан келтирилган ипак куртининг зот ва дурагайлари турлича ҳарорат ва намликда боқилиши жами ўраган пиллалар миқдорини 20,0-22,0 % га камайишига, қорапачоқ пиллалар миқдорини эса аксинча 6,0-7,0 % га ортишига сабаб бўлиши аниқланди.

6. Наслли пиллалардан капалаклар чиқишида ташқи муҳит омиллари, ҳарорат ва намликни агротехника талабларидан юқори ёки паст бўлиши ипак курти уруғларини миқдори ва сифатига (физиологик нуқсонли уруғлар улуши) салбий таъсир кўрсатиши асосланди.

7. “Хитой” ва “Япония” зотларининг куруқ пиллалардан хом ипак чиқиши оптимал шароитда 41,33% ва 41,17% ни ташкил этган бир вақтда ипак толасининг узлуксиз чувалиш узунлиги 1150 м, 1160 м га тенг ҳамда толанинг ингичкалиги (текс) 0,327 ва 0,299 ни ташкил этди.

8. Хориж зотларини биологик потенциалини Ўзбекистон шароитида тўлиқ намоён қилиши учун ҳаво ҳарорати 25-27⁰С, нисбий намлик 75-80% бўлишини, ҳамда бир кути куртга бериладиган тут барги 800 кг дан пасаймаслигини талаб этади.

9. Ишлаб чиқариш шароитида тавсия этилган гигротермик шароитларда хориж зотларини парваришlash натижасида иқтисодий самарадорлик “Хитой” зотида 55403,7 сўмни, “Япония” зотида 55606,8 сўмни; соф фойда “Хитой” зотида 21553,7 сўмни, “Япония” зотида 22952,3 сўмни ташкил этиб, рентабеллик фарқи “Хитой” зотида 12,7 “Япон” зотида 14,1 % гача ошишига эришилди.

10. Хитой Халқ Республикасидан келтирилган “Jigsong x Naoyue” ипак курти дурагайлариини тавсия этилган гигротермик шароитларда парваришlash натижасида бир кути тут ипак курти пилласидан ишлаб чиқариладиган хом ипакни сотишдан иқтисодий самарадорлик 759756,2 сўмни; соф фойда 322692,8 сўмни ташкил этди ва рентабеллик фарқи 27,6 % гача ошишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ОРИПОВ ОТАБЕК ОРИПОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ОПТИМАЛЬНОЙ ВЫКОРМКИ
ЗАРУБЕЖНЫХ ПОРОД И ГИБРИДОВ ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА
(*BOMBYX MORI L.*)**

06.02.04 – Шелководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.1.PhD/Qx116.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ziyouet.uz), а также в Информационно-образовательном портале «ZiyouNet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель:

Умаров Шайкат Рамазанович
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Исматуллаева Дилорам Адилевна
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Абдиримова Гулбахор Эркиматовна
доктора философии (PhD)
сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт
животноводства и птицеводства

Защита диссертации состоится «__» декабря 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: shag_info@edu.uz, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером № 542120). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом, Ташкентский государственный аграрный университет, Здание Информационно-ресурсного центра ТашГАУ, 1-этаж. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации размещен «__» декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «5» декабря 2020 года)



Б.У. Насирдильяс
Б.У. Насирдильяс
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, в.н.с.
д.с.н., профессор

У.Т. Данширов
У.Т. Данширов
Учленый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.н.,
доцент

М.Н. Аширов
М.Н. Аширов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.с.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время на мировом рынке с каждым днем растет спрос на шелковичные коконы, натуральному шелку и натуральным тканям из шелка. На сегодняшний день «...в более 20 странах с развитым шелководством производят грену тутового шелкопряда, 14,5 млн. коробок выращиваемой грены тутового шелкопряда приходится на долю Китайской Народной Республики, 5,0 млн. коробок – на долю Индии, 300 тысяч коробок – на долю Узбекистана и остальные 3,2 млн. коробок – на долю других стран»¹. Узбекистан считается третьей крупной страной в мире, выращивающей коконы, которой удается получить в среднем 59,0 кг урожая кокона из одной коробки грены. Географическое расположение Узбекистана считается благоприятной экологической территорией, где ежегодно выкармливают более 380-400 тыс. коробок гусениц шелкопряда.

На мировом уровне проводятся исследования, направленные на создание различных пород и гибридов тутового шелкопряда, соответствующих климатическим условиям различных регионов, а также внедрение в производство новых инновационных агротехнологий в гренопроизводство тутового шелкопряда. В этом отношении создание пород и гибридов тутового шелкопряда с учетом мировых глобальных климатических изменений, соответствующих резко меняющимся и оптимальным климатическим условиям, разработка оптимальных интенсивных новых технологий их выкармливания, а также интродукция зарубежных пород и гибридов приобретает весьма важное научно-практическое значение.

По созданию местных пород и гибридов, соответствующих своеобразным климатическим условиям нашей республики, достигнуты определенные результаты. Однако, не уделено должного внимания приспособлению привезенных из-за рубежа пород тутового шелкопряда условиям Узбекистана, разработке и научному обоснованию агротехнологий оптимального выкармливания, направленных на повышение собственных возможностей по урожайности коконов, сортности и технологическим особенностям.

В указе УП №4947 Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года², а также в постановлениях ПП «2856 О мерах по организации деятельности ассоциации «Узбекипаксаноат» от 29 марта 2017 года и ПП №3616 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию шелковой отрасли» от 20 марта 2018 года намечены задачи проведения широких испытаний достижений селекции тутового шелкопряда, развития первичного семеноводства пород и гибридов тутового шелкопряда, создания пород и гибридов, соответствующих международным стандартам, путем разработки передовых научных разработок и интенсивных агротехнологий с учетом

¹ www.worldatlas.com

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

природно-климатических условий, увеличения производства местных шелковичных гусениц и коконов, расширения экспортных возможностей шелковой промышленности путем улучшения их качества. В осуществлении задач, немеченных во всех нормативно-правовых документах данного направления, в определенной мере служат данные диссертационные исследования.

Связь исследований с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. “Биотехнология, экология сельского хозяйства и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. В нашей стране в области исследований оценки влияния внешней среды на важные признаки и особенности тутового шелкопряда, влияния количества и качества корма, температуры и относительной влажности воздуха на рост и развитие тутового шелкопряда, а также проявления генетических возможностей разных пород и гибридов в различных условиях проводились широкомасштабные научные исследования У.Н.Насириллаевым, Н.А.Ахмедовым, Ш.Р.Умаровым, С.С.Леженко и Б.У.Насириллаевым.

Также, ученые из передовых зарубежных стран с развитым шелководством А.З.Злотиным, В.Н.Кириченко, О.Ж.Журавлем, М.Е.Браславским, N.A.Begum, M.Rekha, N.Baramidze проводились исследования по устойчивости и акклиматизации тутового шелкопряда к неблагоприятным условиям в период эмбрионального развития, созданию новых пород с использованием вольтинизма, а также научные исследования относительно компенсации вредного воздействия неблагоприятных условий путем использования биологически активных веществ и были достигнуты положительные результаты.

